УССР Давлат китоб палатаси

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 20 июнь, сешанба. №73 (21.836.) Сотувда эркин нархда.



МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

Бухоро шаҳрида Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини шу кун вазифаларини адо этиш талаблари даражасига кўтариш муаммоларига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон республика, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари кенгашларининг котиблари қатнашдилар. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари тўғрисида»ги маърузасини тингладилар. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар янги босқичнинг моҳияти, мазмуни ва истиқболлари ҳамда улардан кўзланаётган мақсадларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг ўрни масаласи маърузанинг марказий ғояси сифатида баён этилди.

Партиямиз Қорақалпоғистон республика, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари кенгашларининг биринчи котиблари А. Х. Асанов, Ж. К. Нуруллаев, Б. М. Рўзиев, Ғ. Н. Машарипов, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Азим Суюн ҳамда қатор шаҳар ва туман партия ташкилотларининг етакчилари сўзга чиқиб, ХДП тузилмаси қуйи бўғинлари, хусусан, бошланғич ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги самарали иштироки билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбир иштирокчилари вилоятдаги «Бухоротекс» ва «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятлари, Бухоро туманидаги «Ўрта Осиё» ширкатлар уюшмаси бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, уларнинг иш тажрибалари билан танишдилар.

Бухоро вилояти ҳокими Мавлон Раҳмонов йиғилганлар ҳузурида Бухоро вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари ҳақида нутқ сўзлади.

Анжуман ишида Ўзбекистон ХДП МК котиблари И. А. Кочмарик, Ҳ. Қ. Авезов, Бухоро тумани ҳокими Э. Шомуродов ҳамда партия марказий матбуот нашрлари — «Голос Узбекистана» газетаси, «Мулоқот» журнали раҳбарлари, шунингдек, Бухоро вилояти оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.



КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

Маориф

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

Кўпни кўрган чўлқуварлар маскани — Янгиер шаҳри бу сафар ўзига хос меҳмоннавозлик кўрсатди.

Шаҳардаги иқтидорли болалар лицейи республикамиздаги барча турдош лицейлар раҳбарлари ҳамда вакилларини, чет эллик меҳмонларни қабул қилди. Улар бу ерда икки кун давомида иқтидорли ўқувчиларни танлаш, уларни махсус йўналишлар бўйича ўқитиш муаммолари хусусида ўзаро баҳс олиб бордилар, фикр алмашдилар. Айниқса, Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари лицейлари раҳбарлари ўртага ташлаган муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Дон — ризқ-рўзимиз

МЎЛ ҲОСИЛДАН ДАРАК

Бухоро вилояти ғаллакорлари ўтган йилнинг кузида 55 минг гектар майдонга бошоқли дон эккандилар. Бултурги сабоқлардан тўғри хулоса чиқарган ғаллакорлар парваришни кучайтириб, даларда мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда пешона тери билан етиштирилган ҳосилни ўриб-йиғиб олишга қизғин киришилди.

176 минг тонналик хирмон кўтариш учун курашаётган ғаллакорлар ўримни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги янги қарори асосида ташкил этмоқдалар. Вилоят хўжаликларида ўримга пухта тайёргарлик кўрилганлиги ўз самарасини бермоқда. Ҳозир ғаллазорларда 389 та комбайн икки сменада ишлатиляпти. Ҳар бир комбайннинг иш унуми 5 гектарни ташкил этиш чоралари кўриляпти.

Ўримни биринчилардан бўлиб бошлаган Олот, Қоракўл, Ромитан, Ғиждувон, Вобкент туманлари ғаллакорлари дастлабки натижалардан хурсанд. Шуни таъкидлаш керакки, йиғиб олинажак 176 минг тонна доннинг 72 минг тоннаси белгиланган, 32 минг тоннаси эса эркин нархларда сотилади. 25 минг тонна дон уруғлик учун заҳирада сақланади. Ҳосилдан бўшаган майдонларнинг умри бекорга ўтмаяпти. Ерларга кечки сабзавот, чорва озуқаси экиляпти.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳамкорлик

ЯПОНЛАРНИ ЗАВҚЛАНТИРГАН КУЛОЛ

• ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Риштон кулоллари тайёрлаган буюмлар хорижда ҳам машҳур.

Моҳир кулоллар қўлидан чиққан нафис буюмлар АҚШ, Англия, Испания, Франция каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Риштон кулоллари буюмларидан иборат кўргазмалар муваффақият қозонмоқда. Яқинда моҳир кулол Алишер Назиров Японияга бориб келди. У Комацо шаҳрида бўлиб, янги дўстлар орттирди. Бу шаҳарда ҳам кулолчилик ривожланган экан. Алишер хусусий корхонада ишлай бошлади. Унга алоҳида уй ва устахона ажратилди. Япон кулоллари Алишернинг санъатини ўргандилар. Айниқса «занжиргул», «сегул», «шона», «меҳроб» каби кўринишдаги бумлар японларни ҳайратга солди. Бу ерда ўзбек кулоли буюмлари кўргазмаси очилди. Телевидение ва газеталарда Алишер Назиров ҳақида хабарлар босилди. Ўзаро ҳамкорлик давом этадиган бўлди. Энди япон кулоллари ҳам Риштонга келадилар.

Алишер ИБОДИНОВ.

Қадрият

СЎФИ ОЛЛОЁР РУҲИ ШОД БЎЛДИ

• СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Олтинсойнинг бир қишлоғида Сўфи Оллоёр қабри бор. Самарқанддан ҳижрат қилган шайх шу ерда 96 ёшида қазо қилган.

Шу қадамжо яқинида тижоратчилар гавжумлашди. Район ҳокими Т. Бўтаев ташаббуси билан мингга яқин отахон ва онахонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари автобусларда зиёратга келишди. Сўфи Оллоёр масжидига ҳомий ташкилотлар ҳиммат кўрсатиб, гиламлар тўшашди, совғалар беришди. Қуръон тиловат қилинди. Дарё бўйида зиёратчиларга ош тортилди. Шоберди бахши Болтаев Сўфи Оллоёр шаънига термалар қуйлади. Кураш мусобақалари бўлди. «Бу йил бобом таваллудига 375 йил тўлади, — дейди Сўфи Оллоёрнинг невараси Музаффархон эшон. — Август ойида бу ерга оллоёршунослар ташриф буюришади».

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

Халқ ансамбли

ЯНГИ ДАСТУР АСОСИДА

Ғаллаорол тумани маданият уйи қошидаги «Гаштак» фольклор ансамбли яқинда «Шарқ бозори» деб номланган янги театрлаштирилган концерт дастурини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

Ушбу дастурдан халқ лапарлари, айтишувлар ва бошқа дилрабо куй-қўшиқлар ўрин олган. Ансамбль бадиий раҳбари Саидбаҳром Файзуллаевнинг айтишича, фольклорчилар жамоаси тумандаги «Гулистон», «Соҳибкор» давлат хўжаликларида бўлиб, янги репертуарлари билан қишлоқ меҳнаткашларини хушнуд этишди.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

Ўзбекистонга расмий ташриф муносабати билан

УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ ЛЕОНИД ДАНИЛОВИЧ КУЧМА

1938 йил 9 августда Чернигов вилоятининг Чайкион қишлоғида туғилган.

1960 йилда — Днепропетровск Давлат университетини тугатган. Техника фанлари номзоди илмий даражасига эга. 1960 — 1975 йилларда — «Южное» (Днепропетровск шаҳри) конструкторлик бюросида муҳандис, катта муҳандис, етакчи конструктор, бош конструктор ёрдамчиси, Бойқўнғирда (Қозоғистон) техник раҳбар.1975 — 1982 йилларда — «Южное» конструкторлик бюросида партия ташкилоти котиби.

1982 — 1986 йилларда — «Южное» конструкторлик бюросида бош конструкторнинг биринчи ўринбосари.

1986 — 1992 йилларда — «Жанубий машинасозлик заводи» (Днепропетровск шаҳри) ракетасозлик концернининг бош директори.

1992 — 1993 йилларда — Украина Бош вазири.

1993 йилдан бошлаб — Украина саноатчилар ва ишбилармонлар уюшмаси президенти.

1994 йил июлда Украина Президенти этиб сайланган. Леонид Данилович Кучма — Ленин мукофоти, Украина Давлат мукофоти совриндори, Днепропетровск университети профессори, Украина муҳандислик академияси академиги.

Уйланган, бир қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг якунлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими П.Абдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов йиғилишда шу ҳақда маруза қилиб, жумладан, Олий Мажлис фаолиятига доир масалаларга тўхталди.

***

Жиззахда ҳам ана шу масалага бағишланган фаоллар йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бугров сўзга чиқди.

Йиғилишда вилоят ҳокими А.Тошкенбоев қатнашди.

(ЎзА).

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Бухоро вилояти хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Н.Бозорова бошқа ишга ўтгани муносабати билан вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасидан озод этилди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти кафедра мудири бўлиб ишлаб келаётган З.Абдуллаева вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди. У лавозимига кўра вилоят ҳокимининг ўринбосари ҳам ҳисобланади.

Пленумда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, республика Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова сўзга чиқди.

(ЎзА).

Айни кунларда мамлакатимизда ғалла учун кураш тобора қизиқирилмоқда. Зеро, дони, нони бўлган мамлакат ҳеч қачон қаншоқликка юз тутмаслигини ғаллакорлар яхши биладилар. Шу боис ҳам етилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳаракати тобора авжига чиққан.

Бўз туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги ғаллакорлари ҳам бу курашдан четда қолмасликка интилаётирлар. Хўжаликда бу йил ўтган йилгидан анча кўп, яъни 295 гектар майдонда буғдой етиштирилди. Ҳосил эса мўл бўлди. Режа гектаридан 45 центнер. 4 та комбайн далаларда жавлон уриб, пешона тери эвазига етиштирилган донни пешма-пеш ўриб, янчиб олмоқда. Комбайнчилардан Ҳакимжон Олимов, Умарали Кўчқоров, Абдуназар Ҳамидов ва бошқалар кунлик режаларини ортиғи билан уддалашаётир.

Суратда: ўрим пешқадамлари Абдуназар Ҳамидов, Ҳакимжон Олимов, Умарали Кўчқоровларни кўриб турибсиз.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Ислоҳот чорраҳаларида

БАНДИХОН «КАЛХЎЗ» БЎЛИБ ҚОЛМАСИН

Шўрчи туман пахта тозалаш заводи жамоаси бу йил пахта етиштирмоқчи. Шу ният билан жамоа узоқ бир жойдан — Бандихон туманининг Ойбек номли хўжалигидан 212 гектар ер олди. Шу ернинг 150 гектарига чигит экди. Гектаридан камида ўттиз центнердан ҳосил олишни режалаб қўйди.

Энди, «Ойбек»дан гап сўрасангиз — ўтириб қолган хўжалик. Бойсун тумани таркибида эканида хўжалик бир қадар дуруст эди. Пахтадан тортиб бошқа зироатлардан бинойидек ҳосил кўтарарди. Ва, хўжаликнинг одамлари агар Бандихон дашти хусусидаги хўжаликларни бирлаштириб, ҳукуматимиз алоҳида туман ташкил қилиб берса, биз янада яхшироқ ишлаймиз, деб гапиришарди.

Бундан тўрт йил муқаддам бу гап инобатга ўтди. Хўжаликнинг (жумладан, ҳудуддаги бошқа хўжаликларнинг ҳам) туман марказидан олтмиш-етмиш чақирим узоқлиги, ҳудудда дурустроқ бир маданият - оқартув, тиббий хизмат кўрсатиш йўқлиги, бошқа айрим муаммолар ҳисобга олинди. Бандихон туман бўлди. Ана қарабсизки, аҳолиси йигирма беш мингдан нари-бери туманда қатор-қатор маъмурий ва жамоатчилик идоралари. Бошлиқлар, бошқарувчилар, назоратчилар, мажлислар, муҳокамалар, баҳслар.

Буларнинг ҳаммаси яхши. Эътирозимиз йўқ. Бироқ бандихонликлар бир нарсадан хижолатда эканликларини ўзлари ҳам яширмайдилар. Бу хижолат — ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши кўнгилдагидек бўлмаётганидан. Айниқса, пахтачиликдаги қолоқликдан. Ойбек номли хўжалик бўлса, шу қолоқликнинг қоқ умуртқаси бўлиб кўзга ташланиб қолган.

Шу гаплардан келиб чиқиб, пахта тозалаш заводи директорига ярим ҳазил, ярим чин маъносида луқма қилдим. Бандихонда ҳам пахтадан мўл-ҳосил олиш мумкинлигини бир кўз-кўз қилмоқчи бўлибсизда, дедим.

— Мутлақо, — дейди корхона раҳбари Суюн Тожиев. — Беллашаман, мусобақа боғлайман деган одамга қўл узатамиз. Лекин пододан олдин чанг чиқармаймиз. Аввало, бу ишни заводимизнинг Бандихонни обод қилишга қўшадиган ҳиссаси деб тушунмоқ керак. Биз фақат пахта экаётганимиз йўқ. Ғалла, сабзавот етиштирамиз. Боғ яратамиз. Кучимиз етганча йўл созлармиз. Бирон бир корхона, дўкон очармиз. Ахир Бандихон темир йўлдан, автомагистралдан четда жойлашган туман. Ерларининг суғориш тартиби оғирроқ. Менимча, Бандихоннинг қолоқлигиям, илғорлигиям ўзига буюрсин деб қўл қовуштириб ўтирмаслигимиз керак. Вилоятимизнинг ўзига тўқ корхоналари, ишлаб чиқариш жамоалари, марҳамат, бизнинг тажрибамизни қўлласин: деҳқончилик қилсин, йўли узоқ деган мулоҳазага бориб ўтирмасдан, кўмак берсин, нима дедингиз.

Яқинда «Ойбек»да бўлдик. Гурунг орасида заводнинг Бандихонда пахта экканидан гап очилди. Бу «аралашувни»— самимий тушунганлар бор. Айни замонда пахтанинг тарозуси заводнинг қўлида. Қандай ишламасин, пахта тайёрлаш режасини завод оталиғига олган бўлим сўзсиз бажариши тайин, деган қарашларни кузатдим.

Бунақа қарашларга қўшилмаслигимга илова қилиб қуйидагиларни билдирмоқчиман: Суюн Тожиевнинг заводга директор бўлиб ўтганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ишлаб чиқаришда кўзга кўринарли ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Тола, чигит чиқими яхши. Маҳсулот сифатига эътирозлар йўқ. Технология янгиланмоқда. Вилоятда ягона ўруғлик чигитни механизациялашган усулда дорилаб берадиган цех ишга туширилди. Теримчилар учун этак тиқиш цехи очилди. Уйда туриб ишлаш истагини билдирганлар заводдан буюртма қабул қилмоқдалар.

— Ўзини таништириш лозим бўлиб қолганда Тожиев завод директориман дейишдан олдин ХДП аъзоси эканлигини билдиради,— дейди Халқ демократик партияси Шўрчи тумани кенгашининг котиби Усар Ботиров.— Одамларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси самаралари ёмон эмас. Тумандаги энг гавжум чойхона — заводники. Энг обод ёрдамчи чорвачилик хўжалиги — заводда. Ишчиларга бепул сут-қатиқ. Байрам кунлари арзон гўшту мой, бепул чанқовбосди минерал сув, (сув заводнинг ўзида газлаштирилади). Жўжа очирадиган каттакон цехлари ишлаб турибди. Ҳатто, беданани кўпайтирмоқчилар. Дам олиш — даволаниш маскани жиҳозланяпти.

— Фақат стадионимиз йўқда,— дейди директор Ботировнинг мақтовларидан нам тортгандай бўлиб,— арқонга тортилиш, футбол, миллий кураш, шахмат тўгаракларимиз ишлаб турибди. Мусобақаларда қатнашяпмиз. Энди туманнинг боғ ичидаги катта ўйингоҳини тасарруфимизга олиб, ўша ерни обод қилсакми, деб турибмиз.

Завод ҳақидаги бу таассуротларни эшитиб, «Ойбек» калхўзининг бўлим бошлиғи Эргаш Тўрабоев бир ютингандай бўлди. «Бу дунёда, ука, юракни ғимиллатадиган гаплар кўп-да»,— деди.— «Хўжалигимизнинг ишларини ҳам ўнгартириб юбориш мумкин. Бунинг учун биринчидан, одамларни ишонтириш керак. Одамлар ўзларининг эркига ишонишсин...»

Эргаш аканинг гапини бўламан. Мана, Ғафур Ғулом номли калхўз. Фермер (деҳқон) хўжаликлари уюшмаси бўпти, дейман. «Ғафур Ғулом»да Абдисаттор Қурбонов раис. У илгари Денов туманига қарашли «Наврўз» хўжалигининг раиси эди. «Наврўз» калхўз деган нарсани тугатди. Ерга, мулкка калхўз эмас, одамларнинг ўзлари хўжайинлик қиладиган, эркин нафас оладиган бўлиб қолишди. Одамлар ана шундан сўнг раис учун, раҳбарлар учун, калхўз учун эмас, ўзлари учун ишлаётганликларини, яхши ишлаш лозимлигини англай бошладилар, ўзибўларчилик, бепарволик, талон-торожлик ўз-ўзидан чекина бошлагандай бўлди.

Янгиликнинг Қурбонов томонидан янги жойда — «Ғафур Ғулом»да ҳам қўлланилиши силлиққина кўчаётгани йўқ. Раҳбарман, деганларнинг рўйхати қисқаради. Бу қисқарувни ҳамма ҳам муборакбод этавермайди. Кун ўтарига ишлаб юрганлар паноҳгоҳ ахтариб қолдилар. Бироқ раис яккаланиб қолмайди. Ҳалол ишлайдиганлар уни яккалаб қўймайдилар. Аксинча қўллаб-қувватлайдилар. Янгилик самара бера бошлайди. Сўнг баҳонага ҳам ўрин қолмайди.

— Ҳозир бизда тирноқча баҳонага ўрин йўқ,— дейди Эргаш ака қатъий қилиб.— Режани бу йил албатта, бажарамиз...

— Ғалаба рапорти ёзилишига ҳали ёз олтмиш кунча вақт бор,— дейман ўсмоқчилаб.

— Йўқ... Мана, Баҳромбой (Баҳромбой — бош агроном) айтсин. Бу йилги сўзимиз чин сўз. Бу йил бажармоғимиз керак. Орият бор, бурч бор, белингда белбоғинг қани, деган гап-сўз бор ахир...

Бандихондан қайтаётганимизда кимнингдир туман ҳокими Хуррам Йўлдошевга қайта-қайта тайинлаётгандайми, маслаҳат қилаётгандайми гапи қулоғимга чалинди.

— «Ойбек»ни калхўздан фермерлар уюшмасига айлантирмоқ керак. Тезроқ. Акс ҳолда... Ишқилиб, Бандихон калхўз бўлиб қолмасинда, энди!

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия фаоллари минбари

МАЪНАВИЯТ РАВНАҚИ УЧУН КАМАРБАСТАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис иккинчи сессиясидаги маърузаси барча меҳнат аҳли каби шаҳримиз меҳнаткашлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Юртбошимизнинг ушбу маърузасидан ўзларига аниқ режалар белгилаб олган меҳнат жамоалари, турли касб эгалари янада унумли меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳар партия кенгаши ҳокимлик, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоалар билан амалий ҳамкорликда шаҳар аҳолисининг барча табақалари орасида Ўзбекистон ХДП дастурий ғоялари, Миллий истиқлол мафкураси мазмуни, ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати, унинг туб ислоҳотлари йўлини мунтазам тарғиб қилмоқда.

1994 йил ва 1995 йилнинг тўрт ойи ичида шаҳар партия кенгаши 117 та бошланғич партия ташкилот атрофига 2563 партия аъзосини бирлаштирди. Шу ўтган вақт ичида 421 киши партия аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг 111 нафари хотин-қизлар. Шаҳар партия ташкилотларидаги аъзоларнинг 23,1 фоизини ишчилар 71,4 фоизини зиёли ва хизматчилар , 21 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 39,3 фоизи саноат ва автожамоаларда, алоқа ва қурилишда, 10,3 фоизи бошқарув идораларида, 10,9 фоизи савдо, умумий овқатланиш, маиший-коммунал хизмати тизимида, 21,7 фоизи халқ таълими, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларида, қолганлари эса бошқа ҳар хил тизимларда меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳар партия кенгашида обрў-эътиборли зиёлилар, корхона ва ташкилот раҳбарлари, оқсоқоллар ва ёшлар етакчиларидан иборат мафкура гуруҳлари тузилган. Улар ижтимоий-сиёсий вазият, маҳаллий шароит ва хусусиятлардан келиб чиқиб, аҳоли билан ишлашнинг самарали усулларини излаш ва уни амалда қўлланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятида партиямиз сиёсатини, Республика Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» ва бошқа рисолаларида ифода этилган ғоялар, хулоса ва қоидаларни ҳаётга татбиқ этмоқдалар. Уларнинг ҳисоботлари доимий равишда муҳокама қилинади. Ўтган давр мобайнида вилоят босмахонаси, биринчи қурилиш маҳсулотлари корхонаси, такси саройи каби саккизта бошланғич партия ташкилоти ва иккита цех партия ташкилоти фаолияти муҳокама қилиниб, уларга тегишли тавсиялар берилди.

Жиззах шаҳар партия кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунган ҳолда анчагина ишларни амалга оширмоқдалар. Шаҳардаги трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, пайпоқ тикув фабрикаси, нон комбинати, ремонт-механика заводи, 2517-автожамлама жамоаларининг бу борада амалга ошираётган тадбирлари диққатга сазовор. Бу бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятини аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш устидан назорат ўрнатиш ҳамда бу масалада давлат идоралари, корхона ва ташкилот раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатишга қаратмоқдалар. Шунингдек, шаҳар ҳокимлиги, фахрийлар кенгаши, «Маҳалла», «Наврўз», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари, хотин-қизлар, Ёшлар Иттифоқи қўмиталари ва турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига мўлжалланган эзгу тадбирлари ўтказилмоқда. Шаҳримиз бўйича 2679 кам таъминланган оилага 1 миллион 900 минг сўм ёрдам пули берилди. 131 нафар ота-онасиз болаларга бошдан-оёқ сарпо улашилди. Ғалабанинг 50 йиллиги байрами арафасида махсус тузилган гуруҳлар 370 дан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари уйларига, касалхоналарга бориб, уларнинг ҳол-аҳволидан хабар олинди. Керакли дори-дармон, озиқ-овқатлар етказиб берилди. Ҳозирги кунда шаҳримизда уруш ва меҳнат фахрийларидан 468 нафар киши «Жасорат», 677 нафар киши «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Партия сафида 40-50 бўлган уруш, меҳнат фахрийларидан 50 нафари вақтли нашрларга бепул обуна қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шаҳар партия кенгаши бошланғич ташкилотларнинг ташаббуси шаҳар ҳокимлиги касаба уюшмалари ёрдами туфайли мазкур хайрия ишларини амалга оширди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини иш билан банд этиш, қўшимча иш жойларини ташкил қилишга бошланғич партия ташкилотлари асосий эътиборни қаратди. 1995 йилнинг ўтган даврида шаҳар меҳнат биржасига 600 киши ишга жойлаштиришни илтимос қилиб ариза берди. Бошланғич партия ташкилотлари жамоалар билан ҳамкорликда 400 дан ортиқ кишини ишга жойлаштирди, 100 дан ортиқ кишини қисқа муддатли курсларга ўқишга юборди. II-III гуруҳ ногиронларидан 100 киши ишга жойлаштирилди. Шаҳар корхоналарида 223 бўш ўрин аниқланиб, улар ишчилар билан тўлдирилди. Ишга жойлашганларнинг 270 нафари ёшлар.

Бошланғич партия ташкилотлари мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширишяпти. Бу жойларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 48 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Жиззах пахта тозалаш заводи қошида очилган Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси —«Жибри» бу йил ўзининг дастлабки маҳсулоти — пахта ёғини ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда ҳозир 80нафар хизматчи ишлаётган бўлса, келгусида уларнинг сони 120 нафарга етиб, корхона йилига 220 тонна чигитни қайта ишлайди. «Зилол» ҳассадорлик жамиятида янги очилган акрель цехи йилига 340 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга қўшимча иш жойларини ташкил этиш имкониятини берди.

Шаҳримизда 124 минг аҳоли, 14 миллат вакили истиқомат қилади. Шаҳар партия кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, фаоллари билан биргаликда ҳар бир миллатнинг миллий байрамлари, маросим ва анъаналарини ўтказишда фаол иштирок этмоқда. Меҳнаткашлар ўртасида «Миллий ўйинлар мусобақаси», «Миллий таомлар танлови», «Миллий либослар кўриги» ўтказилиши одат тусига кириб боряпти.

Шаҳар ҳудудида қозоқ, қирғиз, корейс, тожик миллий марказлари ишлаб турибди. Бу эса шаҳар аҳолиси тинчлигини сақлаш, турли миллат ва элат вакилларининг аҳиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шаҳримиздаги 31 маҳалланинг 10 тасида ҳудудий партия ташкилоти ташкил этилган. Уларга 362 партия аъзоси бирлашган. Шундан 331 киши олий маълумотли, 144 нафари хотин-қизлар. Ўтган йили 32 киши партия аъзолигига қабул қилинганди. «Сайилжойи», «Иттифоқ» маҳаллаларида янги бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Бу ташкилотлар котибларининг ташаббуси билан маҳалла фуқаролари йиғини қошида хотин-қизлар билан ишлаш, ёшлар билан ишлаш, уруш ва меҳнат фахрийлари билан ишлаш каби бир неча қўмиталар тузилиб, аҳоли ўртасида партия мавқеини ошириш мақсадида оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бормоқда.

«Сайҳон» маҳалласида бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан тўқувчилик ва гилам тўқиш цехи ташкил қилинди. 22 та тикув машинаси, 2 та гилам тўқиш дастгоҳи ўрнатилди.

Тошлоқ маҳалласининг ҳудудий бошланғич партия ташкилоти шаҳримиздаги йирик партия жамоаси ҳисобланади. У 265 партия аъзосини 16 та цех партия ташкилотига бирлаштирган. Шаҳар ҳокимлиги шаҳар партия кенгаши, халқ таълими бўлими билан биргаликда ўтказилган «Оила, маҳалла ва мактаб — ҳамма сифамиз. Зеро, Президентимиз И. Каримов айтганидек, «Ёшлар партиямизнинг асосий таянчи бўлиб қолишлари керак». Партиямиз сафига қабул қилинганларнинг қарийб 50 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Жиззах шаҳар партия кенгаши бошланғич партия ташкилотлари, фаоллар, ҳар бир партия аъзоси билан биргаликда Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси қарорларини халқимизга етказишда ҳормай-толмай меҳнат қилаверади.

Маматқул ИНОМОВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

Долзарб мавзуда суҳбат

ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

«Бугунги кунда ўз илмий изланишлари билан илму фан аҳли орасида танилган, ўз ишлари билан яқин ва узоқ мамлакатларда катта обрў топган ёш олимларимизни академия аъзолигига қабул қилсак ва уларга тегишли шароит яратиб берсак, бу ўзбек фани ва унинг келажаги учун жуда олижаноб иш бўлур эди», деган эди ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишида сўзлаган нутқида юртбошимиз. Бундан чамаси бир ойча илгари матбуотда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолиги (академиги) ва мухбир аъзолиги бўш ўринларига тавсия этилган номзодлар рўйхати эълон қилинган эди. Фанлар академиясининг 8 июнь куни бўлиб ўтган умумий мажлисида Ўзбекистон Фанлар академиясига ҳақиқий ва мухбир аъзоларни сайлаш масаласи кўрилди. Ана шу сайлов натижалари ҳақида мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Абдували Абдусаматович АБДУВАҲОБОВ билан суҳбатлашди.

— Аввало, домла, элементоорганик бирикмалар кимёси бўлимидан мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланганлигингиз — академик бўлганлигингиз қутлуғ бўлсин.

— Раҳмат...

— Умуман академия тизимида сайловлар ўтказиш катта бир синовдек гап...

— ... туғрироғи, ўта масъулиятли синов дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг шу йил апрель ойида тасдиқланган янги Низомига кўра дастлаб академияда сайловлар ўтказиш ҳақида қўлланма ишлаб чиқилди. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг у Президиум мажлисида тасдиқланди. Натижада Ўзбекистон Фанлар академияси сайловлар ўтказиш механизмининг янги муқобили рўёбга келди. Бу механизмнинг асосий босқичлари бугунги сайловларга тайёргарлик жараёнида тўла амалга оширилди. Низомимизнинг 34-бандида академиянинг бўш ўринларини ва янги аъзолар сайлаш учун янгидан очиладиган ўринларни академия Президиуми тавсиясига биноан илм-фан соҳалари ва мутахассисликларнинг турли йўналишлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди, дейилади. Шунга кўра фан бўлимларидан тавсия этилган барча ҳужжатлар, маълумотлар бўш ўрин (вакансия) лар очиш учун Вазирлар Маҳкамасига берилди.

— Бир сайловда ўттиз икки академик учун жой ажратилиши бу, менимча, фанимиз тарихида катта воқеа...

— Ҳа, албатта, қолаверса ҳозирги иқтисодий шароитда академиклар учун шунча ўрин ажратилиши шахсан Республика Президенти, академик И. А. Каримов томонидан Ватанимиз илмий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган катта эътиборнинг исботидир.

— Абдували Абдусаматович, сайловларга тайёргарлик жараёни қай йўсинда ўтди?

— Тараддуд дастлаб академия бўлимлари қошида эксперт комиссиялар тузишдан бошланди. Фанлар бўлимларида шу комиссия бошчилигида номзодларнинг ҳужжатлари экспертизадан ўтказилди. Уларнинг илмий фаолияти йўналишлари эълон қилинган ихтисосликларга мос ёки мос эмаслиги аниқланди. Бўлимларда қурилган номзодлар Президиум қошида тузилган комиссияда ҳар тарафлама кўриб чиқилиб, сўнг Узбекистон Фанлар академияси Президиуми мажлисида тасдиқланди. Шундан кейингина номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинди. Сайловгача бўлган вақт мобайнида фанлар бўлимларининг мажлисларида мутахассислар иштирокида номзодларнинг илмий маърузалари тингланди, муҳокама қилинди. Очиқ ва ошкорий овоз бериш йўли билан Фанлар академиясининг бўлимларида номзодлар танлаб олиниб, сўнг академиянинг умумий мажлисида сайлаш учун номзодлар тавсия этилди.

— Шу ўринда, домла, сайловда кимлар овоз бериш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида тўхталсангиз.

— Ҳа, айтгандек, яхши эслатдингиз. Янги низомга кўра, буни шундай тушунтириш мумкин: номзодларни ҳақиқий ва мухбир аъзоликка танлашда ҳақиқий ва мухбир аъзолар билан бирга эндиликда бўлимга қарашли мустақил институтларнинг директорлари ҳам ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эгадирлар. Сайловларнинг демократик асосда ўтиши учун бу катта кафолат демакдир.

— Ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишида сўзлаган нутқида Президентимиз И. А. Каримов «Ҳақиқий аъзоликка номзодларнинг барчаси мухбир аъзо бўлиши шарт эмас. Ўз соҳасининг энг етук вакиллари бўлган фан докторларининг номзодларини ҳам олға суриш керак. Ана шундагина Фанлар академияси ёшаради, кучлироқ ва ғайратлироқ бўлади», деган мулоҳазани ўртага ташлаган эдилар.

— Шуни инобатга олиб мазкур сайловда дастлабки янгилик амалга оширилди. 14 нафар фан доктори академикликка мухбир аъзоликни четлаб ўтиб сайланишди. Ёшларнинг билими, салоҳияти, республика фанига қўшаётган ҳиссасига алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, ёшларга катта масъулият юкланди. Бу нарса республикамизнинг келажаги порлоқ бўлган ёш олимларга нисбатан катта ишончдир. Биз эса мана шу ишончни оқлашга барча имкониятларимизни сарфлашимиз зарур. Айни вақтда, республикамизининг тўрт улкан ижтимоий фан вакиллари — Бўри Аҳмедов, Азизхон Қаюмов, Иззат Султонов ва Убайдулла Каримовлар тўғридан тўғри очиқ овоз бериш йўли билан академиямизнинг ҳақиқий аъзолигига сайланиши фанимиз ва маданиятимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу ҳам ёшлар қатори улуғ ёшли олимларимизга кўрсатилган катта ҳурмат нишонасидир. Умуман олганда, Президентимизнинг академия ва фан тараққиётига алоҳида ғамхўрлик қилаётганликларини яна бир бор таъкидлагим келади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра УзРФА ҳақиқий аъзолигига ўттиз уч нафар, мухбир аъзоликка эса беш нафар фан фидойилари сайланди.

Ўйлаймизки, улар мамлакат тараққиётида ва ислоҳотлар самарадорлигини оширишда фан-техниканинг ўрни нечоғли муҳим эканини англаган ҳолда иш тутадилар. Янги сайланган фанимиз дарғаларига тани сиҳатлик, ижодий парвоз, улуғ аждодларимиз васиятларига амал қилиб, ворисларга ҳос иш тутишларида омад тилаймиз.

Суҳбатдош:
«Ўзбекистон овози» мухбири
Умида ФАЙЗИЕВА.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЧЕЧЕН УРУШИНИНГ АЛАНГАСИ СТАВРОПОЛДА АКС ЭТДИ

Маълумки, қўпорувчилардан катта бир гуруҳи Ставрополь ўлкасининг Буденновск шаҳрини эгаллаб олганди. Ушбу ҳужум натижасида ҳали тўлиқ аниқланмаган маълумотларга кўра юздан ортиқ киши ҳалок бўлди. 150 киши эса ярадор бўлди. Шаҳар касалхонаси қўпорувчилар томонидан гаровга олинди. Касалхонада, гараж ҳамда омборхонада, айрим маълумотларга кўра, 2 мингдан 5 минг кишигача гаров сифатида ушлаб турилибди. Чечен жангариларидан эса 20 киши ҳалок бўлди. Жангарилар давлат хизматчиларидан беш кишини отиб ўлдиришди.

Ҳукумат гаровга олганларни қутқариш чораларини кўрмоқда. Қўпорувчилар бошлиғи Шомил Басаев билан олиб борилган музокаралардан сўнг юзлаб зиёд гаровга олинган аёллар ва болалар озод этилди.

Айни пайтда ички ишлар вазирлиги жангчилари Буденновск шаҳрини ўраб олишган. Шаҳарда «Альфа», «Витьяз» сингари омончилар гуруҳлари ҳаракат қиляпти. Ставрополнинг ўзи ва атрофларидаги йўллар, аэропортлар ва темир йўл вокзаллари қаттиқ назоратга олинган.

МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Грузия пойтахти Тбилисида МДҲ давлатлари ички ишлар вазирликлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда уюшган жиноятчилик, қорадорифурушликка қарши курашиш, темир йўллар ва юкларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар муҳокама этилди. Кенгаш ишида Латвия ва Эстония ички ишлар вазирлиги ҳам кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАШНИНГ ИЛОЖИ БЎЛМАЯПТИ

Украинанинг Николаев вилоятида тарқалган вабо касаллигини жиловлашнинг имкони бўлмаяпти. Вилоят саломатлик марказининг хабарига кўра, касалланганлар сони 150 нафардан ошиб кетди. Беморларнинг кўпчилиги Жанубий Буг дарёсида ушланган балиқдан истеъмол қилган ёки мазкур дарёда чўмилган. Дарёга кўп миқдорда ахлат ташланаётгани ҳам вазиятни мураккаблаштирмоқда.

Шаҳар ҳокимияти мазкур дарёдан балиқ овлаганларга 1 миллион карбованец миқдорида жарима солишга қарор қилди. Балиқ сотганларга нисбатан ҳатто жиноий иш қўзғатилади.

ШРИ-ЛАНКАДА ҚАТТИҚ ЖАНГЛАР

Шри-Ланканинг шимоли-шарқида ҳукумат қўшинлари билан Тамил исёнчилари гуруҳлари ўртасида қаттиқ жанглар давом этмоқда. Шри-Ланка армия қўмондонлигининг расмий вакили хабар беришича, Баттикало шаҳри яқинида ҳукумат аскарлари «Тамил илама» — «Озодлик йўлбарслари» жанглари пистирмасига дуч келган. Натижада бир зобит ҳамда 17 нафар аскар ҳалок бўлган.

ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

Болгария ва Албания Руандани-нинг Хуту қабиласи жангарилари-га яширинча қурол-яроқ етказиб берган «Халқаро амнистия» ташкилотининг Браззавилда тарқатган баёнотида ана шундай дейилади. Унда айтилишича, мазкур қурол-яроғлар Зоирнинг Гома шаҳрига ҳаво орқали доимий равишда етказиб турилган.

Яқинда Руанда пойтахти Бурунди яқинида хуту қабиласи билан тутси қабиласи вакиллари ўртасида яна қонли тўқнашув юз берди. Натижада 4 киши ҳалок бўлди.

ҚЎПОРУВЧИЛАР ОТИБ ЎЛДИРИЛДИ

Исроил аскарлари Мисрдан Ғазо секторига ўтиш учун ҳаракат қилган 3 нафар фаластинликни отиб ўлдирди. Шу мавзудаги маълумотларга қараганда, учала фаластинлик ҳам Фаластин йўлбошчиси Ёсир Арофат тарафдори бўлган ҳарбий тузилма аъзолари экан.

(Жаҳон ахборотлари агентликлари ва газеталаридан олинди).

Яккасарой туманидаги «Паритет» ишлаб чиқариш фирмаси ТУҒАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 110-уйда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли «Агроқурилиштаъмирлаш» трестининг Сирдарёдаги бирлашмаси жамоаси бугунги кунда иститиш объектларини таъмирлаш борасида бирмунча ютуқларга эришди. Айниқса, Околтин туманидаги Сардоба қишлоғини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш билан боғлиқ ишлар муваффақиятли якунланди.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор токарь Аълам Каримов. 2. Слесарь Георгий Корнеев.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Қишлоқда ислоҳот қандай кечмоқда?

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК — БОЗОР ТАЛАБИ

Гап хўжаликка раҳбарлик хусусида кетар экан, беихтиёр асосий соҳалар бўйича йиллик режаларини муттасил ортиғи билан бажариб келаётган ишбилармон ва деҳқонларга қайишадиган Ўрта Чирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорацияси раҳбарлари кўз ўнгимдан ўтади. Улар аввал экинлардан мўл ҳосил олмасдан, кадрларнинг иқтисодий билимларини чуқурлаштирмасдан, бинобарин, жамоа аъзоларининг умумий мулкка ўзимники деб қарашга, уларнинг эркинлигига эришмасдан туриб, ислоҳот талабларини амалга ошириш мумкин эмаслигини яхши идрок этишади.

Шундай қилиб, тузилажак режалар, белгиланаётган тадбирлар шу талабларга бўйсундирила бошлади: 25 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган тикув цехи шу тариқа барпо этилди. Чеварлар йилига 32 минг нафар фуқарони устки кийим-кечак билан кийинтириш имконига эга бўлдилар. Туйтепа шаҳридаги савдо дўконларига чиқарилган бежирим кўйлаклар, халатлар ва болалар кийимлари, айниқса, харидорлар эҳтиёжига мос бўлиб тушмоқда.

Қишлоқни шаҳарга яқинлаштиришнинг муҳим бўғинларидан бир — ободонлаштириш, бош режа асосида уй-жой, маданий-маиший бинолар қуришдан ҳам иборат. Қурилиш материаллари танқис бўлиб турган пайтда ғишт заводини ишга тушириш юқоридаги муаммони бартараф этишга қўйилган дастлабки қадамни билдирарди. Йилига 10 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводда ўн нафар киши иш билан таъминланди. Инсоф сари барака деганларидек, корхона гарчанд ўз маҳсулотини жамоа аъзоларига имтиёзли нархда сотаётган бўлса-да, йиллик фойда 55 минг сўмдан пастга тушмади. Тикувчилик цехи келтирган фойда эса 100 минг сўм билан ўлчанди.

Жамоа ер майдонлари деҳқон, фермер хўжаликларига бўлиб берилгандан кейин ерга хўжайинлик, яъни эркинлик ҳисси, гектар унумдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлиги анча ортди. Бу тадбирлар қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга туртки бўлди. Ойлик маошлар 2-3 баравар кўпайди. Энг муҳими, мустақиллик шароитида жамоа хўжалиги бошқарувини корпорация талабларига буйсундириш зарур эди. Шундай бўлди ҳам. Корпорация бир неча уюшмалардан ташкил топган бўлиб, улар ҳар бирининг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Умумий йиғилиш олий орган, бошқа пайтлар эса 15 нафар аъзодан иборат кенгаш уюшмалар ишига раҳбарлик қилади. Ҳар бир уюшманинг ўз раиси, ҳисобчиси ва банкда ўз счети бор. Қурилган фойда уюшма аъзолари ўртасида тасарруф этилади. Ўз навбатида уюшмалар бир неча ширкатдан ташкил топган. Масалан, С. Толибоев раис бўлган қурилиш ва маданий-маиший хизматлар уюшмаси таркибига хом ғишт ва шлакли блок ишлаб чиқарадиган, уй-жой қуриш ва таъмирлаш ишларини бажарадиган ширкатлар киради. У. Жўраев раҳбарлик қилаётган енгил саноат корхоналари уюшмаси эса тикувчилик, атлас тўқиш цехлари, новвойхона, пахта тозалаш заводини ўз ичига олади. Шунингдек, деҳқончилик, чорвачилик, моддий-техника таъминоти ва бошқа уюшмаларга бириккан турли ширкатлар қишлоқда меҳнатни янгича ташкил қилишнинг устивор аҳамиятини амалда исботлаётир.

Пахта мавсуми ҳақида ўйлаганимда мазкур корпорация аъзоларининг ўтган йилги ўйган баракали хирмонлари кўз ўнгимга келади. Туманда йиллик режаларини учма-уч уддалаган хўжаликлар ҳам бўлди. Лекин корпорация бу кўрсаткични 130 фоизга олиб чиқди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 33,5 центнерни ташкил этди. Бу — туман хўжаликлари орасида энг юқори кўрсаткич. Соф даромад қарийб 3 миллион сўмга етди. Ижарачиларнинг ўртача ойлик маоши 840 сўм атрофида бўлди. Илғор пахтакорлар — Риск Ҳакимбоевнинг маоши 1834 сўм, Раъно Умрзоқованинг ойлик иш ҳақи эса 2030 сўмдан ортди. Сувчи, механизаторларнинг ойлик иш ҳақи 1000 — 1170 сўм билан баҳоланди. Пешона терлари муносиб тақдирланаётганини кўрган Сартой Тулепов, Тўлқин Туёқбоев, Ғанибой Имомқулов сингари механик-ҳайдовчилар машина бункеридан 130-140 тоннадан пахта тўкдилар. Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди, деб шунга айтсалар керак-да...

Яқинда туман партия кенгаши биринчи котиби Исматилла Неъматиллаев билан корпорацияга борганимизда яна бир янгилик устидан чиқдик. 50 нафар кишини иш билан банд қилган пахта тозалаш заводи дастлабки маҳсулотни конвейердан чиқараётган экан. Хўжалик йилига 3 минг тонна хом ашёни қайта ишлашга мўлжалланган. Бу — корхона қўшни хўжаликларнинг яна 7 минг тонна «оқ олтин»ини толага айлантириб беради, демакдир. Шундай қилиб, заводдан келадиган йиллик иқтисодий фойда 1 миллион 300 минг сўмни ташкил қилиши керак.

Айни пайтда ширкатлар аъзолари бажонидил ойлик маошларидан 50 фоизини акциялар сотиб олишга сарфлаб, ой сайин тушаётган фойданинг маълум қисмига шерик бўлаётирлар. Энг муҳими, улар танланган йўлнинг истиқболли эканлигига қаттиқ ишондилар.

— Мен ислоҳотлар борасида бирон-бир тадбир тузишдан олдин, — дейди туман ҳокими Қ. Деҳқонбоев,—Президентимизнинг «Мулкдан жудо бўлган одамда изланиш, интилиш ва ташаббус йўқолади... Биз юритаётган иқтисодий сиёсатнинг негизи шуки, мулк албатта эгасини топиши керак» деган гапларининг маъзини чақаман. Ишонаманки, бу оддий ҳақиқат барчамизнинг шиоримиздан бугун амалий ишимизга айланади. Жорий йил учун иқтисодий дастурлар ҳам юқоридаги қоида моҳиятидан келиб чиқиб тузилган.

Одамлар билан суҳбатлар ҳам шуни кўрсатдики, хўжаликда ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиб берилган. Меҳнатни тўғри баҳолайдиган мезонлар турмушга татбиқ этилаётир. Буларнинг ҳаммаси эртанги кун учун тамал тоши қўйилаётганидан нишона. Бажарилиши шарт бўлган вазифалар эса ҳозирданоқ аниқ: жамоа ғаллачиликда йирик саккрашни амалга оширади — 450 гектар ердаги ғалладан 1,5 минг тонна дон ҳосили олинади. Хўжалик эҳтиёжи учун қолдириладиган 500 тонна дон корпорациянинг юз нафар аъзосига бўлиб берилади. Агар бир оиладан уч нафар киши ишласа — бу хонадонга 1,5 тонна дон киради, деган гап. Демак, тегирмон ҳам ишга туширилади. Новвойхона, макарон, маҳсулотларни қайта ишлаш цехлари хизмат кўрсата бошлайди. 16 гектар боғ ўз ҳақиқий эгаларини топади. Чорвачилик фермаси, иссиқхона хусусийлаштирилади. Хўжалик тўла компьютерлаштирилади...

Хуллас, «Гулистон» корпорацияси жамоаси ташлаётган дадил қадамлар бошқа хўжаликлар учун ҳаётий мезонга айланади, деган ишонч ҳиссси вужудимни тарк этмайди. Яқинда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида юртбошимиз таъкидлаганидек, кўпроқ иқтисодий эркинлик, кўпроқ масъулиятлик, кўпроқ тадбиркорлик — мана шулар барча ишларимизнинг асоси бўлсагина истиқболга ишонч шунчалик мустаҳкамланаверади.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Яқинда республикада биринчи марта «Гулистон» корпорациясининг сут-товар фермаси ким ошди савдосига қўйилди. 4 миллион 600 минг сўмга баҳоланган ушбу фермага энди аввал зоотехник бўлиб ишлаган Аҳмаджон Воҳидов эгалик қилади. Унга озуқа экинлари етиштириш учун 82 гектар ер ажратиб берилади.

А. Воҳидов — деҳқон фарзанди, малакали мутахассис. Оиласида унга кўмаклашадиганлар ҳам етарли.

Шундай қилиб, жамоа мулки ўз ҳақиқий эгасини топди.

УКРАИНА ВА ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛИГИ АСРЛАР ОША УМРБОҚИЙДИР!





УКРАИНА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ
ЛЕОНИД КУЧМА ЖАНОБЛАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ"
миллий авиакомпаниясининг
УЛКАН МЕҲНАТ ЖАМОАСИ
ҲУРМАТЛИ АЗИЗ МЕҲМОННИНГ
БУГУН БОШЛАНАЁТГАН ТАШРИФИНИ
САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Украина Республикаси Президенти Леонид Кучманинг тарихий учрашувлари иккала дўст мустақил мамлакатларимиз равнақи ва фойдали ҳамкорлиги йўлида янги-янги истиқболлар очиб беради.

Ўзбекистон авиаторлари ҳозирги кунда ўз сафларида меҳнат қилаётган ҳаво лочинларининг катта қисми Киев фуқаро авиацияси олий институтида таълим олганлиги билан фахрланадилар ва бунинг учун украин биродарларига чуқур ташаккур изҳор қиладилар. Авиаторларнинг ҳамкорлиги бундан буён ҳам кенг кўламда ва юксакликда қанот қоқиши учун ҳамма эшиклар очиқ.

"Ўзбекистон Ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси
Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда дадил одим ташламоқда. Буюк истиқлол туфайли "Ўзбекистон" номи ёзилган пўлат қанотли ҳаво қушларимиз ер куррасининг
Лондон, Нью-Йорк, Амстердам, Дехли, Франкфурт, Карочи, Афина, Куала-Лумпур, Сеул, Пекин, Шаржа, Бахрейн, Манчестр, Москва, Киев, Рига, Санкт-Петербург
сингари шаҳарларига мунтазам парвоз қилмоқда.

"Ўзбекистон Ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси

"Ўзбекистон Ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси

Сиз севган санъаткор

ОЛТМИШ БЕШ ЙИЛЛИК САҲНА САБОҚЛАРИ

«Агар ер юзида каромат — мўъжиза деган нарса бор бўлса, сиз уни фақат саҳнадагина кўришингиз мумкин», деган эди машҳур санъатшунос Станиславский. Дарҳақиқат, ҳозир ўзининг 85 баҳорини қаршилаётган, ундан 65 йилини театр санъатига ва қадрдон театрига бахшида этган Сора опа Эшонтўраевани ана шундай мўъжизакор санъаткор деб аташ мумкин.

Алалхусус, денгизнинг бир томчи суви, унинг барча хусусиятларидан дарак бергани каби, Сора опа яратган образлар ҳам, унинг бутун маҳорати ва латофати ҳақида тасаввур қилишга имкон беради.

Гули, Ойхон, Жамила, Катерина, Офелия, Дездемона, Санобар опа каби ўлмас роллари билан минглаб томошабинларни ўзига ром этган, эндиликда қарилик гаштини сураётган опани ҳамон қўмсаб, соғиниб қоламиз. Гоҳо таҳририятга у кишининг ҳозирги кундаги ҳаёти хусусида мухлисларнинг ёзган хатлари ҳам келади. Очиғи, жўялироқ жавоб бермоққа қийналамиз. Айниқса кўпроқ саҳнада кўриб юрган бетакрор санъаткорнинг бугуни бизларни қизиқтиради ва...

Шундай бўлса-да, Сора опанинг ҳайратомуз салобатидан сал тортинамиз. Ўзимизча кўп мулоҳазаларгаям бордик. Охири у киши билан учрашмоқни ният қилдик. Лекин дастлабки саволимиз ғалатироқ чиқди:

— Сора опа, назаримизда санъатга бўлган эътибор иккинчи даражага ўтиб қолмадими? Бундай замонда айрим одамларнинг фикри-зикри даромад қилиш, маънавий бойликдан кўра, моддий бойликка талпиниш кучайиб кетмадими?

— 1916-17 йиллардаги қийинчиликлар ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Уша пайтлари камбағаллар тоифасига биз ҳам кирардик. Ўттизинчи йилларда кўп қийинчиликлар бўлди. Отам камбағал бўлса-да, ўзидаги бир бурда нонни қўшниси билан баҳам кўрарди. Оиламиз сабр-қаноатли эди. Мен сизга айтсам ҳаётда сабр қилган одам ютади. Ачинарли жойи шундаки, ҳозир баъзи ёшлар ўқишларини ташлаб, кўча-кўйда олди-сотти билан шуғулланяпти. Мен бунга ачинаман. Одамзод сабр-тоқатли бўлиши, ҳар қандай шароитда ҳам ҳалол меҳнат қилиши керак. Бу масалада айниқса, мактаб, оила, маҳалланинг роли катта. Илгариги вақтда масалан биз театрда «Гамлет»ни қўйганимизда томошабинлар оқиб келишган. Уша вақтдаги одамлар Шекспирнинг чуқур фалсафий асарини тушунишган. Улар маънавий бойликка, санъатга ташна бўлишган, Ҳозир ундай эмас.

— Демак, биз анча ношукур бўлиб қолган эканмиз-да?

— Ҳа, менимча ҳам, ҳозир одамлар анча ношукур. Ҳаётимдан мамнунман. Нега бундай деяётганимнинг боиси, менинг ёшимдаги кишилар анчагина қийинчиликларни бошидан кечирган. Бир нарсани яхши эслайман. 1918 йил эди. Очарчилик. Оғир йиллар. Уйимизда еярга нарсамиз қолмаган. Шунда отам бир куни иккита яхши қўрпамизни бозорга олиб чиқиб кетдилар. Кун бўйи юриб сотолмай, охири бир бойга икки чўнтак гуручга алмашиб келган. Ҳозир эса худога минг қатла шукурлар бўлсинки, юртимиз тинч, бозорларимиз тўкин-сочин, вақтинчалик бўлган баъзи қийинчиликлар эса ўтиб кетади.

— Сора опа ёшлигингиздаги суратларингизни кўрдик. Чиройда тенги йўқ гўзал бўлган эксансиз. Барибир кўпчиликни бир нарса ҳега бошқа касбни эмас, айнан актёрликни танлагансиз? Ёки ота-онангиз бу соҳага етаклаганми?

— Авлодимизда санъаткор бўлган эмас. Наманганнинг Янгиқўрғон туманида камбағал Парпивой ота хонадонида дунёга келганман. Мен туғилмасимдан аввал отам дунёдан ўтган экан. Уша пайтдаги қийинчиликлар сабаб, оилада мендан ташқари опам ва акам бўлганлиги учун, мени фарзандсиз Хабишавой исмли киши ўз қарамоғига олган. 1918 йили қишлоқдан Тошкентга келдик. Ёқуббой деган бир бойникида отам коранда бўлиб ишлади. Кейинчалик заводга ишга кирди. Моддий аҳволимиз анча яхшиланиб борди. Ракат маҳаллада Ҳакимқаллапаз деган савдогарникида турдик.

Шу ерда қўшниларимиз орасида руслар ҳам бор эди. Мен рус қизлари билан дўстлашдим, улар жуда кўп қизиқарли эртакларни сўзлаб беришарди. Эртакларни эшитиб ўқишга иштиёқим ортаверди. Уша ерда эски мактабга кириб «Ҳафтияк»нинг биринчи сурасини ўқидим. Шу кезлари отам билан бирга ишлайдиган Ҳабиба исмли аёл «Зебуннисо» намунали қизлар интернатига киришимга кумаклашди. Интернатда ҳар хил тўгараклар ҳам бор эди. Кўп эртаклар эшитганим сабабли бадиий тўгаракка, драма тўгарагига қатнай бошладим. 1923 йилда «Ятима қиз» асарида Ятима ролини ўйнадим. Бу менинг биринчи ролим эди. Ятима қиз қўшигини ижро этганимда, ҳамма йиғлаб юборган. Хотин-қизлар ҳаракатининг ташкилотчиси Собирахон Холдорова шунда кўз ёши томган юзларимдан ўпиб қўйганди. Драма тўгарагимизга Али-Ардобус раҳбарлик қиларди, у жуда кўп истеъдодли қизларни тарбиялади. Арслон Қори ака — директор, Манзура Янгипулатова — муаллим, Хосият Тиллахонова — адабиётдан дарс берганлар.

— Одатда қалдирғочларни эзгулик, поклик ва кўклам даракчилари сифатида қадрлаймиз. Сиз ҳам илк бор Москвада ташкил қилинган ўзбек драма студиясининг қалдирғочларидан бўлган экансиз...

— Ҳа, ҳақиқатдан ҳам 1925 йилда Москвада ўзбек билим юртида драма студияси очилди. У ерга бутун ўзбекистонлик ёшлардан 17 кишини юборишди. «Карл Маркс» труппасидан ҳам актёрлар боришган. Интернатимиздаги қизлардан мен билан Турсуной Саидазимова борганмиз. Турсуной жуда яхши қўшиқ айтар ва рақсга тушарди. У ерда икки йил ўқидик. Санъат намояндалари, рус театр санъатининг усталари: Р. Симонов, И. Толгаров, Б. Захова, О. Басов: В. Канцель уста педагог сифатида жуда қизиқарли дарс олиб борарди, у диққатимизни ром этиб, ишга ҳавасимизни орттирарди. Худди моҳир заргарга ўхшар, бизни саҳнада эркин ҳаракат қилишга ўргатарди. Постановкаларда иштирок эта бошладим. «Ревизор»да, «Хасис»да, «Яна уйланаман», «Маликаи Турандот»да турли сиймолар яратдим. Ўқиш даврмизда Тошкентга келиб ҳам томошалар қўйдик. 1927 йил эса студияни тугатдик.

— Ҳаётда юлдуздек ялт этиб кўриниб, лекин умри қисқа бўлган буюк инсонлар кўп. Шулардан бири Турсуной Саидазимова. Бу аёл ҳақида гоҳ-гоҳида ажойиб хотиралар эшитиб қоламиз. Сиз Турсуной опа билан дастлаб интернатда, сўнг Москвада бирга таҳсил олган экансиз. У кишининг ҳаёти ҳақида гапириб берсангиз.

— Турсуной аввал айтганимдек, хушовоз ашулачи, шу билан бирга моҳир рақҳоса эди. Овози жуда ширали, ўткир. Спектакларда бош ролларни ижро этарди. Уша пайтда театримизда Ҳожиқул Раҳматуллаев деган актёр бўларди.

Буни қарангки, бу икки ёш бир-бирига кўнгил қўйганди. 1928 йили Бухорога гастролга бордик. Театр биносида яшардик. Ҳожиқул бухоролик бўлгани учун Турсунойни уйига олиб кетди. Шунда, янглишмасам 18 май эди. Файзулла Хўжаевнинг укаси Ибод Хўжаев труппамиздаги эркак артистларни боғига таклиф қилган эди. Шу куни саҳарда уйқум қочиб боғда айланиб юрсам, ҳаяжонланган, икки тиззаси тупроқ, кўзлари олазарак Ҳожиқул ҳовлиқиб келиб, Турсунойни сўради. Ҳайрон бўлиб қолдим. Ахир Турсуной уникида эди-да. Ҳожиқул Турсуной йўқолиб қолганини, уни излаётганини айтди. Кечга томон Ҳожиқул Турсунойни рашк қилиб, болахонадан судраб олиб тушиб, ўлдириб қудуққа ташлабди, деган гап эшитдик. Қидириш жараёнида қудуққа қарашса, сув қонга бўялган. Хушовоз хонанда, ажойиб истеъдодли актриса, орзу йўлида қурбон бўлган Турсунойнинг юлдузи шундай сўнган. Уни Самарқандда дафн этишди. Бухородаги гастролимиз Турсуной фожиаси билан тугади.

— Сора опа, ҳаётингизни театрга бахшида этган аёлсиз. Шунингдек, сизни элга танитган ҳам театр. Одамлар ҳали эшитмаган, лекин хотирадан ўчириб, бўлмайдиган воқеаларни эслай оласизми?

— Театр мен учун муқаддас даргоҳ. Актриса бўлиш орзуси қандай қийинчиликлар тўсиқларидан иборатлигини бугунги авлодимиз тасаввур ҳам қилолмайди. Ҳаётимнинг 65 йилини театрга бағишладим. 200 га яқин турли ролларни ижро этиб, жуда кўп мухлислар орттирганимдан бахтиёрман.

«Маликаи Турандот»да Адельма, «Икки бойга бир малай»да Беатричие, «Ҳужум»да Турсуной, «Инқилоб тонги»да Ойхон, «Қузибулоқ»да Лауренция, «Гамлет»да Офелия, «Отелло»да Дездемона, «Момақалдироқ»да Катерина, «Бой ила хизматчи»да Жамила, «Навоий»да Гули, «Ҳаётбахш ўлим»да Комиссар, «Ўғирланган умр»да Сизду, «Шоҳ Эдип»да Иокаста, «Ғариблар»да Она, «Шошма қуёш»да Санобар... Бу сиймоларни яратишда қанча тажрибали режиссёрлар билан ишлаб, тарихдан, ҳаётдан кўп нарсаларни ўргандим.

Москвада ўқиб юрган кезларимда «Яна уйланаман» комедиясини ўзимизнинг студия саҳнасида қўйиб бердик. Бу комедияда мен шўх ўғил болани ўйнадим. Бу роль устида ишлаш менга ортиқча қийинчилик туғдирмади. Чунки ўзим ёшлигимда ўшандай болалардан қолишмасдим, шўх бўлганман. Комедия жуда ҳам кулгили бўлиб , бир кўринишида мен қотиб-қотиб кулардим. Саҳнадошлар кулгиси билан томошабинлар кулгуси жўр бўлиб кетарди. Саҳна билан томоша залининг ораси шунчалик яқин эдики, биринчи қаторда ўтирганларнинг, ҳатто нафас олиши ҳам эшитилиб турарди. Бир куни шу спектаклни кўяётган пайтимизда, бир сувсар телпакли киши қотиб-қотиб кулганидан телпаги шундоққина тиззамга келиб тегди. Кулгилар тўхтагач кўзим беҳосдан телпакли кишига тушди. Буни қарангки, телпакли киши Йўлдош ота Охунбобоев эканлар. Улар шу қадар самимий кулар эдиларки, бу кулгилари беихтиёр бошқаларга ҳам юқарди. Спектакль отага маъқул бўлди, бу муваффақият бизни ҳам қувонтирди.

— Умрингизнинг кўп йиллари саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам бетакрор санъаткор Аброр Ҳидоятов билан бирга ўтган, ўша унутилмас кунлар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берсангиз.

— Аброр ака мендан 13 ёш катта эди. Жуда куркам, салобатли эди. У киши актёр сифатида мени жуда қизиқтирарди, уз навбатида Аброр ака ҳам менга аҳамият берарди. Купинча партнёр бўлиб, гоҳ Аброр аканинг ўғли, гоҳ севгилисини ўйнардим. Саҳнадаги воқеалар ҳаётга айланиб кетди. Самарқанддалигимизда театримиз тўй қилиб берган. Аброр акани устозим деб биламан, улардан кўп санъат сирларини ўрганганман. 1935-36 йиллар эди. Қиш, керосинлар тансиқ, кечқурунлари симёғочдаги чироқ нури остида роль ёдлардик. Иккита умумий дафтардаги ролни ёдлаш осонми? Аброр ака ўз санъатига фидойи эди. Қийин пайтлар. Бир бурда нонимиз бўлса, шунга хурсандмиз. Қайнонам раҳматли отин эдилар. Жуда оқила аёл эдилар, болаларни ўзлари катта қилдилар.

Оиламиздан санъаткорлар чиқмади. Катта ўғлим Ғога — профессор, тарихчи, кичиги Темур архитектор, фан номзоди. Лекин ҳаммаси санъатни севишади.

— Ўз вақтида саҳнадан тушмай, одамлар оғзида достон бўлган «Гамлет» спектаклидаги Офелия образини яратилиши ҳақида тўхталсангиз.

— Мен учун ролнинг катта-кичиги йўқ, фақат баъзи образлар санъаткордан кўп меҳнат талаб қилади. Жумладан «Гамлет»даги Офелияни яратишда кўп изланганман. Шекспир асарларини ўқиганман, бизгача қўйилган Шекспир асрларидаги образларни ўрганганман. Ҳаттоки бу ролни ўйнаганимда қаҳрамоним ҳолати, хатти-ҳаракатларининг ҳаққонийлигига эришиш учун руҳий касалликлар шифохонасигача борганман. «Гамлет»ни премьерадан кейин 27 кун узлуксиз ўйнаганмиз. Уша вақтда одамлар от аравада спектакль кўргани келишарди. Асар деярли бир ой ҳар куни қўйилиши Аброр аканинг руҳиятига таъсир қилди. Чунки спектакль актёрдан ҳам жисмонан, ҳам руҳан катта куч талаб қиларди.

— Ўзингиз эшитганмисиз-йўқми халқ орасида бир гап «юради».: гўё бир куни «Отелло» спектакли қўйилаётганда Аброр ака азбаройи берилиб кетиб, сизни ростдан бўғиб қўйишларига сал қолган экан...

— Воқеа сал бошқачароқ бўлган. Ҳали айтганимдай, «Гамлетни қўйганимиздан кейин Аброр ака касал бўлиб қолдилар. Кейин анча даволаниб, тузалиб кетдилару, лекин баъзан касаллари хуруж қилиб турарди.

Бир куни «Отелло»ни ўйнаётганимизда Отелло Дездемонани бўғаётган саҳнасида Аброр ака кучли ҳаяжонда қолиб, овозлари ўзгара бошлади, буни сезган режиссёр ёрдамчиси дарҳол пардани ёпди. Зал сув қуйгандек жим-жит, ҳеч ким ўрнидан қимирламасди. Сал фурсат ўтгандан кейин яна парда очилиб, спектакль давом этаверди. Ушанда халқнинг олқишларини кўрсангиз. Шу воқеа туфайли халқ орасида ҳар хил гап сўзлар тарқалган.

— Сора опа, ҳозир қарилик гаштини суряпсиз. Ташқаридан бўлса-да, қадрдон театрингизни кузатиб турасиз. Айтингчи, сизнингча, томошабин билан актёрлар ўртасидаги боғлиқлик узилганга ўхшамайдими?

— Саволингиз жуда ўринли. Ҳозирги кунда актёрларимиз ўз устиларида кам ишлашяпти. Ҳақиқий санъаткор учун ролнинг катта-кичиги, ёш-қариси, салбий-ижобийси бўлмайди, албатта. У узини ҳар хил рольларда синаб, мослашиб бориши керак. Бир қолипдаги актёр бўлиб қолмаслик лозим. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов саҳна нутқига, талаффуз маданиятига жуда катта аҳамият берарди. Театрга кучли режиссёрлар, драматурглар керак. Ҳозир халқни ўзига тортиб оладиган қаҳрамонлар етишмаяпти. Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Обид Жалилов, Зайнаб Садриева, Замира Ҳидоятова каби фидойилар кам, назаримда.

— Ҳозирги театр соҳасини юксак савияга кўтариш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Яна таъкидлайман: иқтидорли режиссёрлар етилиши керак. Театр режиссёри ўқимишли, ақл-идроклли, чуқур мулоҳазали, тасаввурларга бой, ҳаётни доим кузатувчан, эзгу ишлардан завқлана оладиган, камчиликларга тоқат қилолмайдиган ижодкор бўлиши керак. Режиссёр ўз даврининг илгор кишиси сифатида кўп соҳаларда актёрлардан бир поғона юқори туриши лозим. Яхши актёр режиссёрликни ҳам эплайди. Атоқли ўзбек режиссёрлари Маннон Уйғур ва Етим Бобожоновлар ҳам даставвал актёр бўлганлар. Масалан, Етим ака актёрларни ижро этадиган ролига мослаб қийинтирар, тарихан тўғри, бадиий жиҳатдан қуркам ва образга монанд либос актёрнинг образ руҳиятига киришига ёрдам беради деб ҳисобларди. Саҳна безагига ҳам катта аҳамият берарди.

— Сиз ярим аср ичида ўйнаган спектаклларидан қайсиларини, ҳозирда тиклаб элга кўрсатишни маъқул деб ҳисоблайсиз?

— «Ғариблар» намуна бўладиган асар. Болалар тарбиясида аҳамияти катта. У одамларга ота-онани ҳурмат қилишни, меҳр-оқибатли бўлишни ўргатади. Ҳозирги замонда бу жуда керак. Умуман, томошабинларни ҳар қандай шароитда ҳам театрга тортишимиз керак. Театр — бу маънавият, маданият ўчоғи, ахир.

— Агар табиат ҳозир сизга кучқувват ато этса-ю қадрдон театрингиз саҳнасида яна бир роль ижро эт деса. Қандай роль ижро этган бўлардингиз.

— Яхши мураббий оналар ролини, яхши болалар тарбия қилувчи оналар ролларини, бағри кенг инсонпарвар, ватанпарвар оналар ролларини ўйнардим.

Ҳа, Сора опа яратган оналарнинг эътиқоди ва дунёқараши бир-биридан қанчалик фарқ қилса ташқи қиёфаси, кийиниши, фъл-атворлари, сўзлаш услублари, юриш-туришлари шу қадар такрорланмас. Лекин оналарнинг асосий фазилати — ғамхўрлик, меҳрибонлик, фарзандларига садоқат ва муҳаббат ҳамма сиймоларнинг асосий мезони. Албатта она бўлиш ҳамма маънода қийин. Сора опа ҳаётда ҳам ҳақиқий она.

Маъсуда ЁҚУБОВА,
Зулайҳо СОБИТОВА.

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

Танлов

ХОРАЗМ МАЛИКАСИ

Хоразм. Оғаҳий номидаги мусиқали драма театри биносида «Хоразмнинг етти маликаси» деб номланган кўрик бўлиб ўтди. Унда иштирок этган қизлар гўзаллиги, эпчиллиги, маҳорати синовдан ўтказилди. Урганч шаҳар қурилиш коллежининг талабаси Д. Отажонова «Хоразм маликаси» тожини кийиш бахтига муяссар бўлди. У бу тадбирнинг бош ҳомийси «Сирож» фирмаси томонидан чет эл телевизори ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ёшлар танловининг ўтказилишида «Феруз», «Шароф» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа фирмалар ҳомийлик қилдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

ҚУЙИ ПОҒОНАЛАРДА ЎЗГАРИШ

• Олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки даврасида ўйинларини якунлаш арафасида турибдилар. Жамоалар яна икки мартадан майдонга тушгач, довон ошадилар.

Аммо оралиқ маррага муваффақиятли етиш учун ҳар бир жамоада маҳорат кўрсатишга ҳаракат бор. Ўйинлар жадвалининг юқори поғоналарини эгаллаб турган жамоалар имкониятни бой бермай, мавқеларини мустаҳкамлашга интилаётган бўлсалар, қуйи поғоналардаги жамоалар ўзларини ўнглаб, мухлислар ишончини қозонишга зўр беришяпти. Хусусан, ўн учинчи тур учрашувларидан кейин кучли олтиликни эгаллаб турган жамоалар ўрнида деярли ўзгариш бўлмади. Аксинча, уларнинг мавқелари янада мустаҳкамланди. Қуйи поғоналардаги жамоалар эса бироз ўринларини ўзгартирдилар. Жумладан олий лига «меҳмони» «Машъал» футболчилари навбатдаги мағлубиятдан кейин 14 ўриндан охирги ўринга тушиб қолишди. «Политотдел» футболчилари эса кейинги учрашувларни ҳужумкорлик билан ўтказиб, ўзларини ўнгламоқдалар. Бу жамоа ўз майдонида эришган яна бир ғалабадан сўнг уч поғона юқорига кўтарилди.

Пахтакорчилар билан «Суғдиёна» футболчилари ўртасидаги учрашув мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Боиси, ишқибозлар «Пахтакор»нинг навбатдаги ғалабасини кутишган эди. Афсуски, майдон эгалари сусткашликка йўл қўйиб, ўз майдонларида иккинчи марта мағлубият аламини тортишди. Бўлмаса 25-минутда Равшан Бозоров ҳисобни очган эди. 37-минутга борганда жиззахлик Улуғбек Алматов ҳисобни тенглаштирди. 79-минутда эса Ержон Ёралиев пахтакорчилар дарвозасини нишонга олиб, «Суғдиёна»га ғалаба келтирди. Қолган ўйинлар қуйидагича бўлди: «Политотдел» — «Динамо» — 2:0, АСК — МҲСК — 1:2, «Наврўз» — «Навбаҳор» — 0:2, «Янгиер» — «Нурафшон» — 0:1, «Атласчи» — «Нефтчи» — 3:4, «Чирчиқ» — «Машъал» — 1:0, «Трактор» — «Темирйўлчи» — 3:3.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
«Нефтчи»	10	2	1	37-15	32
«Нурафшон»	9	1	3	29-17	28
МҲСК	8	3	2	27-10	27
«Навбаҳор»	8	3	2	18-8	27
«Пахтакор»	6	4	3	23-13	22
«Суғдиёна»	6	2	5	24-16	20
«Наврўз»	5	3	5	15-13	18
«Янгиер»	4	3	6	17-15	15
«Атласчи»	4	3	6	15-23	15
«Трактор»	3	5	5	10-15	14
«Темирйўлчи»	4	1	8	10-24	13
«Политотдел»	3	3	7	17-26	12
АСК	3	3	7	16-27	12
«Динамо»	3	3	7	6-19	12
«Чирчиқ»	2	5	6	8-16	11
«Машъал»	2	4	7	7-22	10

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

«ТАДБИРКОР» ДИРЕКТОР

Жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари тезкор маълумот олишгач, ВАЗ-2106 русумли машинани Лисунов кўчасида тўхтатиб текширишди. Машина эгаси 125 килограмм миқдордаги симобни олиб кетаётгани ва сотиб фойда кўриш ниятида эканлиги аниқланди. Бу «тадбиркор» Ҳамза тумани М. Ашрафий кўчасида яшовчи, муқаддам судланган, ҳозир нуфузли фирмалардан бирининг директори С. Е. эди.

ҲАММАСИ «ҚИТТАК-ҚИТТАК»ДАН БОШЛАНДИ

Акмал Икромов тумани ҳудудидаги хонадонлардан бирида талончилик жинояти содир этилган жойга ички ишлар ходимлари етиб боришганда, ғалати бир ҳолатга дуч келишди. Икки қадрдон дўст дийдор кўришиб ёшликларини эслаб «қиттак-қиттак» қилишади. Сунг анча кексайиб, нафақада бўлишларига қарамай, бироз «қизишиб» муштлашишади. Шунда меҳмон мезбоннинг 6 минг сўм пул солинган ҳаменини олиб қочади.

Милиция ходимларининг вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида талончи «дўст» тутиб келтирилди.

СОБИҚ ЭРНИНГ ЭГРИ ИШЛАРИ

М. И. рафиқаси билан ажрашганига ҳам анча бўлганди. Аммо собиқ эрнинг тунги ташрифи қўпчиликни ажаблантирди. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди деганларидек: қуни-қушнилар турли гапсўз ҳам чиқаришди. Бири у деди, яна бири бу. Лекин миш-мишларнинг умумий маъноси «соғинганмиш, ярашишармиш»га яқин эди.

Маълум бўлишича, собиқ эрнинг ташрифидан мақсад булакча экан: уйдан у туфли, чойшаблар, аёллар тақинчоқлари ва бошқа майда-чуйдаларни йиғиштириб кетганди.

Собиқ эр ушланди. Суриштирув ишлари давом этмоқда.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими.

«Бухоротекс» акционерлик жамияти «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси бошқаруви раиси Уктам Қучқорович Исмоиловга укаси

Исроилжон ИСМОИЛОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки бошқаруви жамоаси бошқарувнинг иқтисод бошқармаси бошлиги Людмила Мансуровна Ёқубовага онаси

Нина Петровна ЛЕПЕНКОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0238.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 19.30

1 2 3 4 5 6.